51. Жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали респондентлар рўйхатга олиш варағи шаклларини мустақил равишда тўлдиришлари мумкин.

Қўмита жаҳон интернет ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхатини шакллантиради ҳамда ҳудудий статистика органларига юборади.

52. Бирламчи маълумотларни электрон базага киритиш ва уларни қайта ишлаш бўйича назорат ҳудудий статистика бошқармалари томонидан амалга оширилади. Қўмита томонидан мунтазам равишда мониторинг ишлари йўлга қўйилиб, мувофиқлаштирилади.

Шахсга доир бирламчи маълумотлар қайта ишлаш жараёнида махфийлаштирилади.

53. Зарур ҳолларда аҳолини рўйхатга олиш натижаларини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идораларда мавжуд аҳоли билан боғлиқ бўлган маълумотлар базаларидан фойдаланилади.

## 7-боб. Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотларини шакллантириш ва уларни эълон қилиш

54. Рўйхатга олувчи ходимлар томонидан тайёрланган йиғма рўйхатлар натижалари асосида шаҳар ва қишлоқлар (шу жумладан, эркаклар ва аёллар) бўйича дастлабки маълумотлар шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратилган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар бўйича аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки маълумотлари 2024 йил 1 мартга қадар тайёрланади.

55. Аҳолини рўйхатга олишнинг якуний маълумотлари республика ва ҳудудлар бўйича белгиланган жадваллар шаклида 2025 йил 1 декабргача шакллантирилади.

Эълон қилинган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотлар фойдаланувчиларнинг сўровларига мувофиқ шакллантирилади.

56. Якуний натижалар бирламчи маълумотлар базасидан шакллантирилади.

57. Аҳолини рўйхатга олиш натижаларини чоп этиш Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан 2025 йил 1 декабргача расмий босма нашрларда, шунингдек, электрон манбаларда, фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун оммабоп нашрларда, (рисолалар, пресс-релизлар, атласлар, тақдимот материалларида ва бошқаларда), Қўмитанинг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали эълон қилинади.

58. Қайта ишланган қоғоз кўринишидаги аҳолини рўйхатга олиш варағи шаклларини сақлаш ва йўқ қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.



59. Аҳолини рўйхатга олишнинг электрон маълумотлар базаси ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шакли ҳамда аҳолини рўйхатга олишнинг йиғма ҳужжатлари қайта ишланганидан сўнг белгиланган тартибда доимий сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигига тақдим этилади.

## 8-боб. Аҳолини рўйхатга олишни моддий-техник ва молиявий таъминлаш

60. 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жалб этиладиган ходимлар фаолиятини белгиланган меъёрлар асосида ташкил этиш учун аҳолини рўйхатга олишни моддий-техника воситалари билан таъминлаш 2020-2025 йилларда Қўмита раҳбарияти томонидан тасдиқланган йиллик харид режаси асосида амалга оширилади.

61. Рўйхатга олувчиларнинг махсус сумкалари, канцелярия буюмлари, гувоҳномаси, махсус кийимлари, фонар каби товар-моддий бойликлар Қўмита ва унинг ҳудудий органлари томонидан “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ харид қилинади.

62. 2021 йилда (синов тариқасида) ва 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш варағи шаклларини ва бошқа аҳолини рўйхатга олиш ҳужжатларини марказлаштирилган ҳолда чоп этиш ва уларни ҳудудий статистика органларига етказиб бериш Қўмита томонидан амалга оширилади.

## 9-боб. 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш

63. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш 2021 йил 1-25 ноябрь кунлари танлаб олинган ҳудудларда ўтказилади.

Синов тариқасида рўйхатга олишнинг аниқ пайти 2021 йил 1 ноябрь соат 00:00 этиб белгиланади.

2021 йил 1 ноябрь соат 00.00 дан кейин содир бўлган демографик ҳолатлар натижалари рўйхатга олиш варағи шаклларига киритилмайди.

64. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш дастури ушбу қарорнинг 2-иловасида келтирилган саволлардан ташкил топади.

65. Синов тариқасидаги аҳолини рўйхатга олиш қуйидаги муддатларда ўтказилади:

1-5 ноябрь кунлари – интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳолини рўйхатга олиш (5 кун);

6-10 ноябрь кунлари – интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рўйхатдан ўтган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхатини шакллантириш (5 кун);

11-22 ноябрь кунлари – аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари асосида уйма-уй юрган ҳолда аҳолини рўйхатга олиш (12 кун, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномага асосан);

23-25 ноябрь кунлари – ҳар бир ҳисоб участкасидаги уй-жой манзилларининг 10 фоизини танланма равишда назорат кузатуви асосида ўрганиш (3 кун).

66. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

67. Рўйхатга олишни ўтказиш бошланишидан олдин ҳудудий комиссиялар томонидан синов ўтказиладиган ҳудудлардаги рўйхатга олиш участкаси ходимлари, инструкторлар (супервайзерлар) ва рўйхатга олувчилар белгиланган тартибда махсус гувоҳнома, сумка, рўйхатга олиш варағи шакллари ва канцелярия буюмлари билан таъминланади.

68. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш бошланишидан бир ой олдин ҳудудий комиссияларга жиноятчилик кўп учрайдиган ҳудудлар ва тарбияси оғир оилалар тўғрисидаги маълумотлар тегишли ҳудудий ички ишлар органлари томонидан тақдим этилади.

69. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жалб қилинган шахслар билан белгиланган тартибда шартномалар тузилади.

70. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида белгиланган аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатга олиш ишларини ташкил этади.

71. Агар респондент яшаб турган хонадонида (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаса, рўйхатга олувчи унга инструкторлик участкасига бориб рўйхатдан ўтишни таклиф этади ва участка манзилини беради.

72. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишнинг якунлари бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

рўйхатга олиш дастури, рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олишни ўтказиш усуллари, рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлари ҳамда фойдаланиладиган ахборот технологиялари синови натижалари таҳлил қилинади;

синов натижаларига кўра 2022 йил 1 июнга қадар 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш дастури, методик қўлланмалар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши ҳамда маълумотларни

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.



қайта ишлаш усуллари ва аҳолини рўйхатга олиш якунларини шакллантириш зарурати юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

73. Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ушбу Низомнинг тегишли бандларига асосан амалга оширилади.

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
2-илова

# Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнида респондентларга тегишли шахсга доир маълумотларни йиғиш амалга ошириладиган саволлар рўйхати аҳолини рўйхатга олиш дастури ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастури қуйидаги саволларни ўз ичига олади:

1. Асосий демографик кўрсаткичларга тегишли саволлар:

фамилияси, исми, отасининг исми;

туғилган санаси, тўлиқ яшаган ёши;

жинси;

уй хўжалигида биринчи кўрсатилган шахс (оила бошлиғи) билан қариндошлик муносабати;

никоҳ ҳолати (15 ёш ва ундан катта шахслар учун);

туғилган жойи.

2. Аҳолининг механик ҳаракати, миграциясига тегишли саволлар:

яшаб турган аҳоли пунктида яшаш муддати;

яшаб турган аҳоли пунктига қаердан кўчиб келганлиги;

яшаб турган аҳоли пунктига қачон кўчиб келганлиги;

узлуксиз бир йил давомида бошқа мамлакат ҳудудида яшаганлиги;

бошқа мамлакат ҳудудидан қачон кўчиб келганлиги;

бошқа мамлакат ҳудудига қачон кўчиб кетганлиги;

бошқа мамлакатга нима сабабдан кетганлиги.

3. Аҳолининг миллий хусусиятлари, фуқаролигига тегишли саволлар:

фуқаролиги;

миллати (вояга етмаган болалар учун эса ота-оналари ёки вояга етган яқин қариндошлари жавоблари асосида белгиланади);

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.



она тили;

она тилидан ташқари суҳбатлашадиган тиллар.

4. Аҳолининг таълим даражасига тегишли саволлар:

таълим даражаси;

ўқишни ёки ёзишни билиши;

илмий даражаси мавжудлиги;

3-6 ёш оралиғидаги болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига бориши;

ҳозирги вақтда таълим олиши.

5. Уй хўжалиги аъзоларининг иқтисодий ҳолатига тегишли саволлар:

яшаш учун даромад манбаи;

уй хўжалиги тасарруфида узоқ фойдаланиладиган мулк ва буюмларнинг мавжудлиги;

бир ойлик даромад миқдори.

6. Аҳолининг бандлигига тегишли саволлар:

асосий меҳнат фаолияти;

иш жойи жойлашган жой;

аҳолини рўйхатга олиш бошланган кунга қадар охирги бир ҳафта ичида (аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилаётган йилнинг 24-31 октябрь кунлари) фаолият туридан қатъи назар иш ҳақи тўланадиган ёки даромад келтирадиган ҳар қандай иш билан машғул бўлганлиги;

аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилаётган йилнинг октябрь ойида иш излаганлиги, таклиф этилган ишга икки ҳафта мобайнида кира олиш имконияти, ишга кирмаслик сабаби.

7. Болалар сонига тегишли саволлар:

дунёга келтирган фарзандлари сони;

тирик туғилган фарзандлари сони.

8. Турар жой хусусиятларига тегишли саволлар:

турар жойнинг тўлиқ манзили;

турар жойнинг мулкчилик шакли;

турар жойнинг тури;

турар жойнинг умумий майдони, шу турар жойдаги яшаш хоналари сони, яшаш хоналарининг майдони;

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.



турар жойнинг қурилган вақти;

турар жой ташқи деворларининг асосий материаллари;

турар жойдаги мавжуд қулайликлар, санитария-гигиеник шароитлар;

турар жойда яшовчи уй хўжаликлари (оилалар) сони ва уларнинг таркиби (респондентнинг аҳолини рўйхатга олиш вақтида қаерда эканлиги, ушбу турар жойда доимий, вақтинчалик яшаши ёки вақтинчалик яшамаслиги, ушбу турар жойда яшамаслик сабаби ва муддатлари кўрсатилган ҳолда).

9. Уй хўжалиги аъзоларининг соғлом турмуш тарзи юритишларига тегишли саволлар:

спорт билан шуғулланиши;

спорт билан шуғулланадиган жой;

спорт билан шуғуллана олмаслик сабаби.

10. Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисидаги шахсга оид маълумотларни йиғиш бўйича саволлар рўйхати:

жинси;

туғилган санаси;

фуқаролиги (чет давлат фуқаролари учун);

доимий яшайдиган давлати;

Ўзбекистонга келиш санаси;

Ўзбекистонга келиш сабаби.

11. Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан бериладиган саволлар:

муассаса номи;

муассаса тури;

ушбу муассасада рўйхатдан ўтадиган жами респондентлар сони;

уйсизлар ва уларнинг сони;

ушбу муассасадаги респондентлар рўйхати. Ушбу рўйхатга тушган барча респондентлар учун шахсга доир саволнома тўлдирилади.

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
3-илова

# Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари рўйхати

2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилган 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари қуйидагилардан иборат:

1-шакл. “Турар жойнинг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати” – 3.1-илова;

2-шакл. “Шахсга оид саволнома” – 3.2-илова;

3-шакл. “Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома” – 3.3-илова;

4-шакл. “Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома” – 3.4-илова;

5-шакл. “Вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун назорат варақаси” – 3.5-илова.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
3.1-илова

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ МАЪЛУМОТ ОЛУВЧИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

# ТУРАР ЖОЙНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНДА ЯШОВЧИЛАР РЎЙХАТИ

AHOLINI RO'YXATGA OLISH 2023

1-ШАКЛ

☐☐ Рўйхатга олиш участкаси рақами
☐ Инструкторлик участкаси рақами
☐ Ҳисоб участкаси рақами
☐☐☐ Суҳбат ўтказилган хонадоннинг тартиб рақами

Ёзув намунаси: А б в / A b v / 1 2 3

Жавобларни белгилаш намунаси ☑

Хато белгиланган жавобни тўғрилаш намунаси 6 ✓

Ҳудуд номи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри) ____________

Кўча (шоҳ кўча, тор кўча ва ҳ.к.) номи ____________

Туман, шаҳар номи ____________

кўп квартирали бино (уй) рақами ☐☐☐☐ корпус рақами ☐☐ хонадон рақами ☐☐☐☐

Шаҳарча номи ____________

Маҳалла номи ____________

*Бино, хонадон рақами бўлмаса, хонадон эгаси фамилияси, исмини ёзинг:*

Аҳоли пункти (қишлоқ, овул) номи ____________

Хонадон эгаси Ф.И.О. ____________

## I БЎЛИМ. ТУРАР ЖОЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**1. Турар жой кимнинг мулки?**
1. ☐ давлат мулки
2. ☐ шахсий мулк
3. ☐ нодавлат юридик шахс мулки
4. ☐ ижарага олинган
5. ☐ бошқа

**2. Турар жой:**
1. ☐ ҳовли
2. ☐ кўп квартирали уйдаги хонадон
3. ☐ дала ҳовли
4. ☐ ётоқхоналар (талабалар ётоқхонасидан бошқа)

*3-саволга ўтинг*

5. ☐ талабалар ётоқхонаси
6. ☐ меҳмонхона (уй меҳмонхона)
7. ☐ яшаш учун фойдаланиладиган нотурар жой
8. ☐ бошқа турдаги турар жой

*II бўлимга ўтинг*

**3. Турар жойнинг умумий майдони, м$^2$:** ☐☐☐ яшаш хоналари сони: ☐☐ яшаш хоналарининг майдони, м$^2$: ☐☐☐

**4. Қурилган вақти:**
1. ☐ аниқ қурилган йили: ➡ ☐☐☐☐
2. ☐ 1966 йилгача
3. ☐ 1966-1969 йй.
4. ☐ 1970-1979 йй.
5. ☐ 1980-1989 йй.
6. ☐ 1990-1999 йй.
7. ☐ 2000-2009 йй.
8. ☐ 2010-2016 йй.
9. ☐ 2017 й.дан кейин
10. ☐ номаълум

**5. Ташқи деворларнинг асосий материали:**
1. ☐ пишган ғишт
2. ☐ хом ғишт
3. ☐ бетон (монолит)
4. ☐ пахса
5. ☐ блок (пена, газо ва бошқа)
6. ☐ тош
7. ☐ ёғоч/тахта
8. ☐ аралаш материаллар
9. ☐ бошқа материаллар

**6. Яшаш жойида мавжуд қулайликлар, шу жумладан, санитария-гигиеник шароитлар:**

**сув таъминоти**
1. марказий сув тизимига уланган:
   1.1. ☐ уй ичига киритилган
   1.2. ☐ уй ташқарисида
2. ☐ ташиб келинадиган
3. ☐ бошқа турдаги (*қудуқ, босма кран, булоқ*)

**иссиқ сув таъминоти**
1. ☐ марказий тизимга уланган
2. ☐ якка тартибдаги сув иситиш қурилмалари
3. ☐ мавжуд эмас

**Интернетга уланиш имконияти**
1. ☐ мавжуд
2. ☐ мавжуд эмас

**ҳожатхона**
1. сув билан ювиладиган:
   1.1. ☐ уй ичида
   1.2. ☐ уй ташқарисида
2. ☐ уй ташқарисидаги бошқа турдаги ҳожатхона

**канализация тизим**
1. ☐ марказий тизимга уланган
2. ☐ якка тартибда
3. ☐ мавжуд эмас

**чиқиндиларни марказлаштирилган йиғиш хизмати**
1. ☐ мавжуд
2. ☐ мавжуд эмас

**иситиш тизими**
1. ☐ марказий тизимга уланган
2. ☐ якка тартибдаги иситиш қурилмалари
3. ☐ печлар (ўтин, кўмир ва бошқалар)

**ювиниш жойи**
1. ☐ душ, ванна
2. ☐ ҳаммом
3. ☐ бошқа ювиниш жойи
4. ☐ мавжуд эмас

**электр плитаси**
*(газ таъминоти мавжуд бўлмаган кўп квартирали бинолар учун)*

☐ мавжуд

**газ таъминоти**
1. ☐ марказий газ тармоғига уланган
2. ☐ суюлтирилган газ (баллон)
3. ☐ мавжуд эмас

**электр таъминоти**
1. ☐ марказий электр тармоғига уланган
2. ☐ якка тартибдаги электр тармоғи (*муқобил электр манбалари*)
3. ☐ мавжуд эмас

## II БЎЛИМ. УЙ ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ УЗОҚ ВАҚТ ФОЙДАЛАНАДИГАН ВОСИТАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ

**1. Уй хўжалиги бошлиғи ёки бошқа аъзолари номида бошқа уй-жой борми?** *(1-бўлим 2-саволда кўрсатилганидан ташқари)* 1. ☐ бор 2. ☐ йўқ

**2.Уй хўжалигининг яшаш шароитлари:** *(қуйидаги келтирилган воситалардан қайси бири бўлса, мана шу жавоб варианти белгинади ҳамда сони ёзиб қўйилади)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| ☐ енгил автомобиль ☐☐ *сони* | ☐ мотоцикл, скутер, мопед ☐☐ *сони* | ☐ кир ювиш машинаси ☐☐ *сони* | ☐ тикув машинаси ☐☐ *сони* |
| ☐ юк автомобили ☐☐ *сони* | ☐ велосипед ☐☐ *сони* | ☐ чангютгич ☐☐ *сони* | ☐ электр печь ☐☐ *сони* |
| ☐ микроавтобус ☐☐ *сони* | ☐ музлатгич ☐☐ *сони* | ☐ кондиционер ☐☐ *сони* | ☐ телевизор ☐☐ *сони* |
| ☐ трактор ☐☐ *сони* | ☐ микро тўлқинли печь ☐☐ *сони* | ☐ компьютер ☐☐ *сони* | ☐ мобил телефон ☐☐ *сони* |

## III БЎЛИМ. УШБУ ЖОЙДА ЯШОВЧИ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ СОНИ ВА УЙ ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ РЎЙХАТИ

Ушбу жойда яшовчи уй хўжаликлари сони: ☐

*Жадвални тўлдиришда уй хўжалиги аъзолари томонидан белгиланган биринчи шахсни (оила бошлиғини) ёзишдан бошланг*

| Турар жой доирасида уй хўжалигининг тартиб рақами | Респондентларнинг тартиб рақами | Фамилияси, исми, отасининг исми | Уй хўжалигида биринчи кўрсатилган шахс билан қариндошлик муносабати *(жадвал остидаги **4-устун** кодларидан фойдаланинг)* | Аҳолини рўйхатга олиш вақтида қаерда яшайди *(жадвал остидаги **5-устун** кодларидан фойдаланинг)* | Ушбу жойда доимий, вақтинчалик яшайди ёки вақтинчалик яшамайди *(жадвал остидаги **6-устун** кодларидан фойдаланинг)* | Ушбу жойда вақтинча яшамаслик: сабаби *(жадвал остидаги **7-устун** кодларидан фойдаланинг)* | Ушбу жойда вақтинча яшамаслик: муддати, ойлар сони *(агар 1 ойдан кам бўлса «0» ёзинг)* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

**4-устун:** 1-биринчи кўрсатилган шахс. 2-турмуш ўртоғи. 3-ўғли/қизи. 4-отаси/онаси. 5-акаси (укаси)/опаси (синглиси). 6-қайнотаси/қайнонаси. 7-набираси. 8-куёви/келини. 9-бобоси/бувиси. 10-бошқа қариндошлик тури. 11-қариндош эмас.

**5-устун:** 1-ушбу аҳоли пунктида. 2-бошқа аҳоли пунктида. 3-бошқа мамлакатда.

**6-устун:** 1-ушбу турар жойда доимий яшайди. 3-республиканинг бошқа ҳудудидан келиб, вақтинчалик яшайди. 2-ушбу турар жойда доимий яшайди, аммо вақтинчалик бу ерда эмас. 4-бошқа мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари.

**7-устун:** 1-иш. 2-таълим. 3-хизмат сафари. 4-даволаниш. 5-оилавий сабаблар. 6-туризм, дам олиш. 7-тижорат. 8-бошқа сабаблар.

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.



## УШБУ ЖОЙДА ЯШОВЧИ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ СОНИ ВА УЙ ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИ РЎЙХАТИ

| Турар жой доирасида уй хўжалигининг тартиб рақами | Респондентларнинг тартиб рақами | Фамилияси, исми, отасининг исми | Уй хўжалигида биринчи кўрса-тилган шахс билан қариндошлик муносабати (*жадвал остидаги **4-устун** кодларидан фойдаланинг*) | Аҳолини рўйхатга олиш вақтида қаерда яшайди (*жадвал остидаги **5-устун** кодларидан фойдаланинг*) | Ушбу жойда доимий, вақтинчалик яшайди ёки вақтинчалик яшамайди (*жадвал остидаги **6-устун** кодларидан фойдаланинг*) | Ушбу жойда вақтинча яшамаслик | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | сабаби (*жадвал остидаги **7-устун** кодларидан фойдаланинг*) | муддати, ойлар сони (*агар 1 ойдан кам бўлса «0» ёзинг*) |
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

**4-устун:** 1-биринчи кўрсатилган шахс. 2-турмуш ўртоғи. 3-ўғли/қизи. 4-отаси/онаси. 5-акаси (укаси)/опаси (синглиси). 6-қайнотаси/қайнонаси. 7-набираси. 8-куёви/келини. 9-бобоси/бувиси. 10-бошқа қариндошлик тури. 11-қариндош эмас.

**5-устун:** 1-ушбу аҳоли пунктида. 2-бошқа аҳоли пунктида. 3-бошқа мамлакатда.

**6-устун:** 1-ушбу турар жойда доимий яшайди. 3-республиканинг бошқа ҳудудидан келиб, вақтинчалик яшайди. 2-ушбу турар жойда доимий яшайди, аммо вақтинчалик бу ерда эмас. 4-бошқа мамлакатда доимий яшовчи чет эл фуқаролари.

**7-устун:** 1-иш. 2-таълим. 3-хизмат сафари. 4-даволаниш. 5-оилавий сабаблар. 6-туризм, дам олиш. 7-тижорат. 8-бошқа сабаблар.

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

**Туғилган санаси асосида ёшни аниқлаш бўйича жадвал**

| Туғилган йили | Тўлиқ яшаган ёши | | Туғилган йили | Тўлиқ яшаган ёши | | Туғилган йили | Тўлиқ яшаган ёши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 январдан 31 октябр-гача | 1 ноябрдан 31 декабр-гача | | 1 январдан 31 октябр-гача | 1 ноябрдан 31 декабр-гача | | 1 январдан 31 октябр-гача | 1 ноябрдан 31 декабр-гача |
| **2021** | 0 | - | **1980** | 41 | 40 | **1939** | 82 | 81 |
| **2020** | 1 | 0 | **1979** | 42 | 41 | **1938** | 83 | 82 |
| **2019** | 2 | 1 | **1978** | 43 | 42 | **1937** | 84 | 83 |
| **2018** | 3 | 2 | **1977** | 44 | 43 | **1936** | 85 | 84 |
| **2017** | 4 | 3 | **1976** | 45 | 44 | **1935** | 86 | 85 |
| **2016** | 5 | 4 | **1975** | 46 | 45 | **1934** | 87 | 86 |
| **2015** | 6 | 5 | **1974** | 47 | 46 | **1933** | 88 | 87 |
| **2014** | 7 | 6 | **1973** | 48 | 47 | **1932** | 89 | 88 |
| **2013** | 8 | 7 | **1972** | 49 | 48 | **1931** | 90 | 89 |
| **2012** | 9 | 8 | **1971** | 50 | 49 | **1930** | 91 | 90 |
| **2011** | 10 | 9 | **1970** | 51 | 50 | **1929** | 92 | 91 |
| **2010** | 11 | 10 | **1969** | 52 | 51 | **1928** | 93 | 92 |
| **2009** | 12 | 11 | **1968** | 53 | 52 | **1927** | 94 | 93 |
| **2008** | 13 | 12 | **1967** | 54 | 53 | **1926** | 95 | 94 |
| **2007** | 14 | 13 | **1966** | 55 | 54 | **1925** | 96 | 95 |
| **2006** | 15 | 14 | **1965** | 56 | 55 | **1924** | 97 | 96 |
| **2005** | 16 | 15 | **1964** | 57 | 56 | **1923** | 98 | 97 |
| **2004** | 17 | 16 | **1963** | 58 | 57 | **1922** | 99 | 98 |
| **2003** | 18 | 17 | **1962** | 59 | 58 | **1921** | 100 | 99 |
| **2002** | 19 | 18 | **1961** | 60 | 59 | **1920** | 101 | 100 |
| **2001** | 20 | 19 | **1960** | 61 | 60 | **1919** | 102 | 101 |
| **2000** | 21 | 20 | **1959** | 62 | 61 | **1918** | 103 | 102 |
| **1999** | 22 | 21 | **1958** | 63 | 62 | **1917** | 104 | 103 |
| **1998** | 23 | 22 | **1957** | 64 | 63 | **1916** | 105 | 104 |
| **1997** | 24 | 23 | **1956** | 65 | 64 | **1915** | 106 | 105 |
| **1996** | 25 | 24 | **1955** | 66 | 65 | **1914** | 107 | 106 |
| **1995** | 26 | 25 | **1954** | 67 | 66 | **1913** | 108 | 107 |
| **1994** | 27 | 26 | **1953** | 68 | 67 | **1912** | 109 | 108 |
| **1993** | 28 | 27 | **1952** | 69 | 68 | **1911** | 110 | 109 |
| **1992** | 29 | 28 | **1951** | 70 | 69 | **1910** | 111 | 110 |
| **1991** | 30 | 29 | **1950** | 71 | 70 | **1909** | 112 | 111 |
| **1990** | 31 | 30 | **1949** | 72 | 71 | **1908** | 113 | 112 |
| **1989** | 32 | 31 | **1948** | 73 | 72 | **1907** | 114 | 113 |
| **1988** | 33 | 32 | **1947** | 74 | 73 | **1906** | 115 | 114 |
| **1987** | 34 | 33 | **1946** | 75 | 74 | **1905** | 116 | 115 |
| **1986** | 35 | 34 | **1945** | 76 | 75 | **1904** | 117 | 116 |
| **1985** | 36 | 35 | **1944** | 77 | 76 | **1903** | 118 | 117 |
| **1984** | 37 | 36 | **1943** | 78 | 77 | **1902** | 119 | 118 |
| **1983** | 38 | 37 | **1942** | 79 | 78 | **1901** | 120 | 119 |
| **1982** | 39 | 38 | **1941** | 80 | 79 | **1900** | 121 | 120 |
| **1981** | 40 | 39 | **1940** | 81 | 80 | **1899** | 122 | 121 |

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
3.2-илова

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ МАЪЛУМОТ ОЛУВЧИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

# ШАХСГА ОИД САВОЛНОМА

AHOLINI RO'YXATGA OLISH 2023

**2-ШАКЛ**

| Рўйхатга олиш участкаси рақами | Инструкторлик участкаси рақами | Ҳисоб участкаси рақами | Суҳбат ўтказилган хонадоннинг тартиб рақами | Турар жой доирасида уй хўжалигининг тартиб рақами (*1-шакл III бўлимдаги жадвалнинг 1-устунидаги рақам*) | Респондентнинг тартиб рақами (*1-шакл III бўлимдаги жадвалнинг 2-устунидаги рақам*) |
|---|---|---|---|---|---|
| ☐☐ | ☐ | ☐ | ☐☐☐ | ☐☐ | ☐☐ |

*Ёзув намунаси*: А б в / A b v / 1 2 3 — *Жавобларни белгилаш намунаси* ☑ — *Хато белгиланган жавобни тўғрилаш намунаси* 6 ✓

Ф.И.О. ____________________

**1. Туғилган санангиз?**

☐☐ кун ☐☐ ой ☐☐☐☐ йил ☐☐☐ тўлиқ яшаган ёши

**2. Жинси:** 1. ☐ эркак 2. ☐ аёл

**3. Уй хўжалигида биринчи кўрсатилган шахс (оила бошлиғи) билан қариндошлик муносабатингиз?**

1. ☐ биринчи кўрсатилган шахс (оила бошлиғи)
2. ☐ турмуш ўртоғи
3. ☐ ўғли/қизи
4. ☐ отаси/онаси
5. ☐ акаси (укаси)/опаси (синглиси)
6. ☐ қайнотаси/қайнонаси
7. ☐ набираси
8. ☐ куёви/келини
9. ☐ бобоси/бувиси
10. ☐ бошқа қариндошлик тури
11. ☐ қариндош эмас

**3.1. Ота ёки онангизнинг тартиб рақамини кўрсатинг** (*1-шакл III бўлимдаги жадвалнинг 2-устуни бўйича рақами*) ☐☐

**4. Туғилган жойингиз?**

1. ☐ Ўзбекистон Республикаси ____________________
*туман (шаҳар) номини ёзинг*
2. ☐ бошқа давлат ____________________
*мамлакат номини ёзинг*

**5. Мазкур аҳоли пунктида туғилганингиздан бери яшайсизми?**

1. ☐ ҳа ➡ *7-саволга ўтинг*
2. ☐ йўқ ➡ *5.1.-саволга ўтинг*

**5.1. Қачон кўчиб келдингиз?**

1. ☐ 2020 йил 1 ноябргача ☐☐☐☐ *йил*
2. ☐ 2020 йил 1 ноябрдан кейин ☐☐ *ой* ☐☐☐☐ *йил*

**5.2. Охирги доимий яшаган жойингиз?**

1. ☐ Ўзбекистон Республикаси ____________________ ⬇ *6-саволга ўтинг*
*туман (шаҳар) номини ёзинг*
2. ☐ бошқа мамлакат ____________________ ⬇ *7-саволга ўтинг*
*мамлакат номини ёзинг*

**6. Бошқа мамлакатда 1991 йил сентябрь ойидан кейин узлуксиз бир йил ва ундан ортиқ муддатда яшаганмисиз (бўлганмисиз)?**

1. ☐ ҳа ➡ *6.1-саволга ўтинг*
2. ☐ йўқ ➡ *7-саволга ўтинг*

**6.1. Қайси хорижий мамлакатда бўлгансиз?**

1. ☐ Россия 2. ☐ Қозоғистон 3. ☐ Қирғизистон
4. ☐ Ж.Корея 5. ☐ Туркия
6. ☐ бошқа ____________________
*мамлакат номини ёзинг*

**6.2. Ўзбекистон Республикасидан қачон кетган эдингиз?**

☐☐☐☐ *йил*

**6.3. Ўзбекистон Республикасига қачон қайтиб келдингиз?**

☐☐☐☐ *йил*

**6.4. Ўзбекистон Республикасидан нима мақсадда кетгансиз?**

1. ☐ иш
2. ☐ таълим
3. ☐ оилавий сабаблар
4. ☐ бошқа ____________________
*сабабини ёзинг*

*15 ёш ва ундан катта шахслар учун*

**7. Никоҳ қурганмисиз?**

1. ☐ ҳа 2. ☐ йўқ ➡ *8-саволга ўтинг*

**Никоҳ ҳолатингиз?**

1. ☐ расмий никоҳда
2. ☐ рўйхатга олинмаган никоҳда
} ➡ турмуш ўртоғининг тартиб рақами (*1-шакл III бўлимдаги жадвалнинг 2-устунидаги рақам*) ☐☐
3. ☐ бева, тул
4. ☐ ажрашган (қонуний)
5. ☐ ажрашмаган, алоҳида яшайди

*15 ёш ва ундан катта аёллар учун*

**8. Нечта фарзандни дунёга келтиргансиз?**

☐☐ жами туғилган фарзандларингиз сони ➡ ☐☐ шундан, тирик туғилганлари сони

**9. Фуқаролигингиз?**

1. ☐ Ўзбекистон Республикаси
2. ☐ фуқаролиги йўқ шахс
3. ☐ бошқа давлат фуқароси ____________________
*давлат номини ёзинг*

**9.1. Сиз мажбурий кўчирилган ёки қочоқ (мақомида) эмасмисиз?**

1. ☐ ҳа 2. ☐ йўқ

**10. Миллатингиз**

1. ☐ ўзбек
2. ☐ қорақалпоқ
3. ☐ қозоқ
4. ☐ тожик
5. ☐ қирғиз
6. ☐ рус
7. ☐ туркман
8. ☐ бошқа ____________________
*миллат номини ёзинг*

**11. Она тилингиз?** (*болаликдан ўрганган тилингиз*)

1. ☐ ўзбек 2. ☐ қорақалпоқ 3. ☐ қозоқ 4. ☐ тожик 5. ☐ қирғиз
6. ☐ рус 7. ☐ туркман 8. ☐ бошқа ____________________
*тил номини ёзинг*

**12. Қайси тилларда суҳбатлаша оласиз?** (*она тилидан ташқари*)

1. ☐ ўзбек 2. ☐ қорақалпоқ 3. ☐ қозоқ 4. ☐ тожик 5. ☐ қирғиз
6. ☐ рус 7. ☐ туркман 8. ☐ инглиз 9. ☐ бошқа

9.1. ____________________ 9.3. ____________________
9.2. ____________________ 9.4. ____________________

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

**13. Спорт билан шуғулланасизми?**

1. ☐ ҳа ➡ *13.1-саволга ўтинг*
2. ☐ йўқ ➡ *13.2-саволга ўтинг*

**13.1. Спорт билан қаерда шуғулланасиз?**

1. ☐ уйда
2. ☐ махсус ажратилган спорт зали
3. ☐ бошқа ____________________ *жой номини ёзинг*

**13.2. Нима сабабдан спорт билан шуғулланмайсиз?**

1. ☐ шароитим мавжуд эмас
2. ☐ шуғулланиш учун махсус муассаса мавжуд эмас
3. ☐ бошқа ____________________ *сабабини ёзинг*

*10 ёш ва ундан катта шахслар учун*

**14. Таълим даражангиз?**

1. ☐ бошланғич
2. ☐ тўлиқсиз ўрта
3. ☐ умумий ўрта
4. ☐ ўрта махсус
5. ☐ олий ➡ 5.1. ☐ бакалавр 5.2. ☐ магистр 5.3. ☐ умумий олий
6. ☐ таълимга эга эмасман ➡ ўқишни ва/ёки ёзишни биласизми? 6.1. ☐ ҳа 6.2. ☐ йўқ *15 саволга ўтинг*

**14.1. Илмий даражангиз борми?**

1. ☐ ҳа ⬇
   - 1.1. ☐ фан номзоди 1.2. ☐ фан доктори
   - 1.3. ☐ PhD 1.4. ☐ Doctor of Science
2. ☐ йўқ

*3-6 ёшли болалар учун*

**15. Бола мактабгача таълим ташкилотига борадими?**

1. ☐ ҳа
   - 1.1. ☐ давлат 1.2. ☐ нодавлат
2. ☐ йўқ

*6 ёш ва ундан катта шахслар учун*

**16. Ҳозирда таълим оласизми?**

1. ☐ ҳа
   - 1.1. ☐ бошланғич таълим 1.2. ☐ умумий ўрта таълим 1.3. ☐ ўрта махсус таълим
   - 1.4. ☐ олий таълим 1.5. ☐ олий таълимдан кейинги таълим
2. ☐ йўқ

**17. Яшаш учун даромад манбаларингизни кўрсатинг?**

1. ☐ иш ҳақидан
2. ☐ тадбиркорлик (шу жумладан, ЯТТ)дан
3. ☐ мустақил иш фаолиятидан, жамоат ишларидан
4. ☐ шахсий ёрдамчи хўжаликдан
5. ☐ шахсий истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқариш
6. ☐ стипендия
7. ☐ пенсия *(ногиронлик пенсиясидан ташқари)*
8. ☐ ногиронлик пенсияси
9. ☐ маҳалладан нафақа
10. ☐ ишсизлик нафақаси
11. ☐ давлат таъминотининг бошқа турлари
12. ☐ йиғиб қўйилган жамғарма, омонат жамғармаси
13. ☐ мулкни ижарага бериш, фоизлар, дивидендлар, гонорарлар, патентлар
14. ☐ республика ташқарисидан олинган маблағлардан
15. ☐ бировнинг қарамоғида, ҳомийлик, алимент
16. ☐ бошқа манбалардан

Агар респондентда бир нечта даромад манбаи бўлса, асосий даромад манбаининг тартиб рақамини ёзинг ☐☐

***0-14-ёш оралиғидаги респондентлар учун сўров якунланади***

**18. Бир ойдаги даромадингиз қанча?**

1. ☐ 679 000 сўмдан 1 358 000 сўмгача
2. ☐ 1 358 000 сўмдан 3 396 000 сўмгача
3. ☐ 3 396 000 сўмдан 6 790 000 сўмгача
4. ☐ 6 790 000 сўмдан 10 189 000 сўмгача
5. ☐ 10 189 000 сўмдан 13 586 000 сўмгача
6. ☐ бошқа ____________________ *суммани ёзинг*

**19. Жорий йилнинг 24-31 октябрь кунлари иш ҳақи тўланадиган ёки даромад келтирадиган иш билан машғул бўлганмисиз?**

1. ☐ ҳа ➡ *20 саволга ўтинг*
2. ☐ айрим сабабларга кўра вақтинча ишламаган, жумладан, меҳнат таътили, касаллик, туғиш ва ҳомиладорлик бўйича меҳнат таътили, 3 ёшгача фарзанд парвариши ёки вахта, смена усулида, махсус тусга эга иш билан банд бўлган, малакасини ошириш бўйича ўқишда бўлганлар ➡ *20 саволга ўтинг*
3. ☐ йўқ ➡ *23 саволга ўтинг*

**20. Қаерда асосий меҳнат фаолиятингизни олиб боргансиз** (қаерда ишлайсиз)?

1. ☐ корхона, ташкилотда (корхона, ташкилотнинг қуйи тузилмавий бўлимларида)
2. ☐ деҳқон, фермер хўжаликларида
3. ☐ якка тадбиркор
4. ☐ якка тадбиркор қўл остида
5. ☐ ўзини ўзи банд қилган
6. ☐ сотиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) бўйича шахсий ёрдамчи хўжаликда банд
7. ☐ иш ҳақи тўланмайдиган шахсий ёрдамчи хўжаликда банд

**21. Асосий иш жойингизда ким бўлиб ишлагансиз?**

1. ☐ ёлланиб ишловчи ходим
2. ☐ ўз ишининг, корхонасининг эгаси (ҳамкори, муассиси)
3. ☐ мустақил равишда иш билан банд, шу жумладан, жамоат ишлари, бир марталик ва мавусмий ишлар (хизматлар) билан банд
4. ☐ қариндошларнинг бирига ёки ўзига тегишли ташкилотда иш ҳақи тўланмайдиган ишларда ёрдам берувчи

**22. Асосий иш жойингиз қаерда жойлашган?**

1. ☐ яшаб турган аҳоли пункти ҳудудида
2. ☐ республиканинг бошқа аҳоли пункти ____________________ *туман, шаҳар ва аҳоли пункти номини ёзинг*
3. ☐ бошқа ____________________ *давлат номини ёзинг*

*сўров якунланади*

**23. Жорий йилнинг октябрь ойида иш излаганмисиз?**

1. ☐ ҳа ⬇ 2. ☐ йўқ ➡ *23.2 саволга ўтинг*

**23.1. Агар Сизга иш таклиф этилса, 2 ҳафта мобайнида ишга киришган бўлар эдингизми?**

1. ☐ ҳа *сўровнома тугайди* 2. ☐ йўқ ➡ *23.2 саволга ўтинг*

**23.2. Иш изламаслик ёки таклиф этилган ишга киришмаслик сабабини кўрсатинг?**

1. ☐ иш топдим, ўзимнинг шахсий ишимни ташкил қилдим ва яқин 2 ҳафта ичида киришаман
2. ☐ иш топдим, жавобини кутяпман
3. ☐ мавсум бошланишини кутяпман
4. ☐ уй-рўзғор ишлари билан бандман
5. ☐ пенсия ёки нафақага чиққанман
6. ☐ соғлиғим туфайли ишламайман
7. ☐ таълим муассасасида таҳсил оламан
8. ☐ уй ишлари, бола ва оиланинг бошқа аъзолари парвариши билан бандман
9. ☐ ишлашга зарурат йўқ
10. ☐ бошқа сабаблар

***ДИҚҚАТ! Вақтинчалик яшаб турган респондентлар учун НАЗОРАТ ВАРАҚАСИ тўлдирилсин!***

ҚҲММБ: 09/20/710/1503-сон
12.11.2020 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
3.3-илова

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ МАЪЛУМОТ ОЛУВЧИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

AHOLINI RO‘YXATGA OLISH 2023

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ВАҚТИНЧА КЕЛГАН ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН САВОЛНОМА

**3-ШАКЛ**

☐☐ Рўйхатга олиш участкаси рақами

☐ Инструкторлик участкаси рақами

☐ Ҳисоб участкаси рақами

*Ёзув намунаси*: А б в / A b v / 1 2 3

*Жавобларни белгилаш намунаси* ☑

*Хато белгиланган жавобни тўғрилаш намунаси* 6 ✓

Ҳудуд номи (*Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри*) ____________

Аҳоли пункти (қишлоқ, овул) номи ____________

Кўча (шоҳ кўча, тор кўча ва ҳ.к.) номи ____________

Туман, шаҳар номи ____________

Шаҳарча номи ____________

Маҳалла номи ____________

кўп квартирали бино (уй)рақами ☐☐☐☐ корпус рақами ☐☐ хонадон рақами ☐☐☐☐

| Суҳбат ўтказилаётган шахсларнинг тартиб рақами | ☐☐☐ | ☐☐☐ | ☐☐☐ | ☐☐☐ |
|---|---|---|---|---|
| 1. Жинси | ☐ эркак ☐ аёл | ☐ эркак ☐ аёл | ☐ эркак ☐ аёл | ☐ эркак ☐ аёл |
| 2. Туғилган санаси | ☐☐ кун ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ кун ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ кун ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ кун ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил |
| 3. Фуқаролиги | ____ *давлат номини ёзинг*<br>☐ фуқаролиги йўқ шахс | ____ *давлат номини ёзинг*<br>☐ фуқаролиги йўқ шахс | ____ *давлат номини ёзинг*<br>☐ фуқаролиги йўқ шахс | ____ *давлат номини ёзинг*<br>☐ фуқаролиги йўқ шахс |
| 4. Доимий яшайдиган мамлакат | ____ *мамлакат номини ёзинг* | ____ *мамлакат номини ёзинг* | ____ *мамлакат номини ёзинг* | ____ *мамлакат номини ёзинг* |
| 5. Ўзбекистонга келиш санаси | ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил | ☐☐ ой<br>☐☐☐☐ йил |
| 6. Ўзбекистонга келишдан мақсади | ☐ иш<br>☐ таълим<br>☐ хизмат сафари<br>☐ даволаниш<br>☐ оилавий сабаб<br>☐ туризм, дам олиш<br>☐ тижорат<br>☐ транзит миграцияси<br>☐ бошқа мақсадларда | ☐ иш<br>☐ таълим<br>☐ хизмат сафари<br>☐ даволаниш<br>☐ оилавий сабаб<br>☐ туризм, дам олиш<br>☐ тижорат<br>☐ транзит миграцияси<br>☐ бошқа мақсадларда | ☐ иш<br>☐ таълим<br>☐ хизмат сафари<br>☐ даволаниш<br>☐ оилавий сабаб<br>☐ туризм, дам олиш<br>☐ тижорат<br>☐ транзит миграцияси<br>☐ бошқа мақсадларда | ☐ иш<br>☐ таълим<br>☐ хизмат сафари<br>☐ даволаниш<br>☐ оилавий сабаб<br>☐ туризм, дам олиш<br>☐ тижорат<br>☐ транзит миграцияси<br>☐ бошқа мақсадларда |

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарорига
3.4-илова

МАЪЛУМОТЛАРНИНГ СИР САҚЛАНИШИ МАЪЛУМОТ ОЛУВЧИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

AHOLINI RO'YXATGA OLISH 2023

**АҲОЛИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИГА НИСБАТАН ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ БЎЙИЧА САВОЛНОМА**

**4-ШАКЛ**

☐☐ Рўйхатга олиш участкаси рақами
☐ Инструкторлик участкаси рақами
☐ Ҳисоб участкаси рақами

*Ёзув намунаси* А б в / A b v 1 2 3 *Жавобларни белгилаш намунаси* ☑ *Хато белгиланган жавобни тўғрилаш намунаси* 6 ✓

Худуд номи (*Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри*) ____________________

Аҳоли пункти (қишлоқ, овул) номи ____________________

Туман, шаҳар номи ____________________

Кўча (шоҳ кўча, тор кўча ва ҳ.к.) номи ____________________

